



1992 марта кўрилган

Тафаккур чашмаларидан

Аллома ибнул Койим ал-Жавзийяning «Фавоид»ларидан бир фойда
Мутаржим : Бобур Ахмад

Бисмиллахир роҳманир роҳийм

Алхамдулиллах, вассолату вассаламу ала росулиллах.

Сўнг...

Аллоҳ таоло инсониятни буйруклари ва таъкиклари, ато этиши ва маън килиши ичра коим килди. Бу хусусда инсонлар икки тоифага ажралишди:

Биринчи тоифа: Аллоҳни амрларини итоатсизлик килиш билан, тақиқларини мутаккабирлик билан кабул килишган бўлса, ато этмиш неъматларига шукр килишдан гафлат билан, маън этиб, ўз хикмати илохийси или ато этмаган неъматларига нисбатан ношукрлик ва газаб билан певшвуз чикдилар. Улар Аллоҳнинг душманлариdir ва уларнинг калбларида адватлари бордир.

Иккинчи тоифа эса: «Эй Аллоҳ, албаттта, биз Сенинг бандаларингмиз, агар бизга бир ишни амр этсанг, уни бажаришлик учун шошамиз. Агар бир ишдан бизни кайтарсанг ўзимизни ундан ўзок тутамиз ва бизни нахй этганинг учун у ишга шўнгишдан нафсларимизни тиямиз. Бизга марҳаматларингдан ато этсанг, Сенга хамд айтамиз ва Сенга шукр киламиз. Хикматинг билан биздан бир нарсани маън этиб, тўсиб кўйсанг Сенга тазарру киламиз ва Сени ёд этамиз» дейишиди.



Бу тоифа ва жаннат ўртасидаги тўсик хаёти дунёгина холос, качонки бу тўсикни ўлим келиб бузиб ташлар экан, улар доимий неъматлар ва кўз кувончларига караб йўл олишади. Шунингдек юкоридаги тоифа ва жаханнам ўртасидаги тўсик хам хаётгина холос. Ўлим етиб келиб у тўсикни парчалаб ташлагандан сўнг, улар хасрат ва аламлар сари йўл тутадилар.

Агар калбингда дунё ва охират кўшинлари тўкнаш келиб колса ва сен ўзингни кайси тоифадан эканингни билмок истасанг, у холда, калбинг у тоифани кайсинисига мойил бўлаётгани ва кайсинисига мойил бўлмаётганига кара. Чунки у икковининг ўртасида бўлиш мумкин эмас. Сен албатта уларнинг биридасан. Иккинчи тоифадагилар нафсни алдовчи деб билишди ва унга мухолиф бўлишди. Аклни насиҳатгўй билиб, у билан маслаҳат килишди. Калбларини яратилиш хикматлари бўлган нарсага фикр килишга, жисмларини буюрилган ишларга итоат килишликка, вактларини эса охиратдаги манзилларини обод этишга сабаб бўладиган ишларга машгул килдилар. Дунёни ватан килиб яшашган бўлсада, калблари мусоғир бўлди. Охиратга этишмаган бўлсада уни ватан тутдилар. Аллоҳга, Унга мухтожликлари микдорича тоат-ибодат килишди. Охиратга, унда колишлари микдорича хозирлик кўрдилар. Аллоҳ субханаҳу ва таоло уларни жаннат неъматлари билан олдиндан баҳраманд килди ва калбларини у маконга мушток килиб кўйди. Уларни ўз мухаббатида жамлаб кўйди ва ўзи билан бўладиган учрашувга завку-шавкларини зиёда килди. Калбларини эса дунё ахлининг калбларини тўлдирган дунё мухаббати, уни йўқотиб куйишни ташвиши ва ундан ажраб колишдан бўлган кўркувдан фориг килиб кўйди. Жохиллар безовта бўлган нарсалардан уларни хотиржам килиб кўйди. Уларнинг жисмлари дунёда, рухлари эса «малаул аълода» сайр этди.

Жаннат эшигини биринчи кокувчи, умматларни шафоат килувчи, сохиби Кавсар, севимли пайгамбарамиз Мухаммадга, оиласларига, асхобларига, киёматгача ул хазратга эргашадиган яхшиларга салом ва салавотлар бўлсин.